

Рўзметова X.

Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети
тадқиқодчиси

КОМПАНИЯ БИЗНЕС-ЖАРАЁНЛАРИНИ АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Эртами ёки кечми ҳар қандай ривожланаётган компанияда ўз фаолиятини автоматлашириш ғояси туғилади ва у асосида компаниянинг барча муаммоларини ҳал қила олмаган тақдирда ҳам, лекин катта қисмини ҳал этадиган, қутқарув воситаси сифатида қаралади.

Сўзсиз, автоматлашириш компания фаолиятининг самарадорлигини ошира олади, бироқ, компаниялар тажрибасида юмшоқ қилиб айтганда, омадсиз автоматлашириш ҳолатларига мисоллар кўп. Бундай хатоларга одатда бошқарув бўғинининг фаолият услубини ўзгартиришни истамаслиги, қарорлар қабул қилишда оиласиб, қариндошлик кўринишлари мавжудлиги асосий сабаб қилиб кўрсатилади. Чунки, бундай ҳолатларда компания мутахассислари хатоларини автоматлашириш имконини бермайди.

“Ўзвиносаноат-холдинг” компания мисолида олиб борилган илмий тадқиқотларимиз шуни кўрсатмоқдаки, бизнес-жараёнларини автоматлашириш қўйидаги иқтисодий устунликларни беради:

- топшириқларни бажариш вақтини камайтириш;
- меҳнат сарфини камайтириш;
- компанияда қайта ишланаётган ахборотларида хатоликларни қисқартириш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллашириш;
- мижозлар билан ўзаро алоқалар са-марадарлигининг ошиши;
- молиявий ҳисбот ва таҳлилнинг тезкорлик даражасини ошириш;
- жамоавий ишлаш даражасини ошириш.

Ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) – у ёки бу тез-тез тақорланадиган жараёнларни рационал ташкил қилиш имконини беради;


ни берувчи, илмий билим ва амалий тажрибани тўплаб ифодалаган лойиҳавий шакл тушунчасидир. Замонавий бошқарувда техник ва дастурий воситалар қўллаш орқали амалга ошириладиган автоматлаширилган ахборот тизимларидан фойдаланилмоқда. Бундай тизимларнинг ҳар бири бошқарув объектида оптималлашган бозор параметрларга эришиш учун зарур бўлган бошқарув қарорларининг у ёки бу механизмларини амалга оширишга қаратилган (1-расм).

“Ўзвиносаноат-холдинг” компания ишини янада самарали бошқариш учун ундағи ишларнинг қандай бораётганлиги ва вазиятнинг ўзгаришларига шай туриш ҳолати ҳақида етарлича ахборотларга эга бўлиш лозим. Бунинг учун, компания раҳбари ва бошқа масъул шахслар ҳар доим тезкор ва ишончли ахборотларга эга бўлиши керак. “Ўзвиносаноат-холдинг” компания фаолиятини бошқаришни шундай ташкил этиш керакки, натижада, аниқ ва уйғун ҳаракатни йўлга қўйиш мақсадида турли хизматчилар ўртасида тез ва ишончли алоқа таъминланиши керак.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, “Ўзвиносаноат-холдинг” компания ичидағи локал ахборот тармоғида компьютерларнинг тармоқли бирлашувининг афзаллиги қўйидагича:

- ресурсларни тақсимлаш тармоқ ресурсларига тежамкорлик билан фойдаланиш имконини беради;

1-расм.
Ахборот-коммуникация технологияларининг асосий функциялари.



- маълумотларни тақсимлаш ахборотларга эҳтиёжи бор перифериядаги иш жойининг электрон ҳужжатларига ва маълумотлар базасига кириш ҳамда бошқариш имконини беради;
- дастурий таъминотни тақсимлаш марказлаштирилган дастурий воситалардан бир вақтнинг ўзида фойдаланиш имкониятини беради;

Компания таркибига кирувчи "Шаробсавдо" корхонаси бўйича спиртли маҳсулотларни сотиш ҳақидаги маълумотлар 1-жадвалда келтирилган. Республикализ бўйича компаниянинг корхоналари бўйича чакана сотиб олувчилар сони минглаб бўлиб, фақат "Шароб-савдо" корхонасида 100 дан ортиқ харидорлар мавжудdir. Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, "Пшеничная" арағи 1848 донада, "Тошкент" арағи 2123 донада ва "Крепкое-53" виноси 3136 донада харид қилинган. Шуни таъкидлаш жоизки, ушбу спиртли ичимликларни ҳамма истеъмолчилар ҳам харид қилишмаган. Масалан, "Алимжан бизнес" МЧЖ ва "Бахтмаш-Сурхон" МЧЖлар "Пшеничная" арағидан умуман сотиб олишмаган.

Бизнесни шаффофлаштириш "Ўзвиносаноат-холдинг" компания архитектурасини тушенишни шаффофлаштиришдан бошланади, улар учта ўзаро боғлиқ даражага аниқ бўлинади: стратегик даражага, бизнес-архитектура ва тизимли архитектура даражага. Инфратузилма бизнес-архитектуралар билан аниқланади ва уни лойиҳалаштириш фақатгина "Ўзвиносаноат-холдинг" компания стратегиясига боғлиқ бўлган бизнес-архитектура асосида амалга оширилади. Бун-

дай ёндашув нафақат бизнеснинг ривожланишини тўғри ташкил қилиб, компаниянинг бизнесини ривожлантиришга жавоб берувчи бизнес-архитектураси ва тизимли архитектурасидан иборат бизнес-архитектурасининг функциялари ва жавобгарлигини ҳам адолатли бўлининишини амалга оширади, балки энг муҳими, компаниянинг мақсади ва стратегиясига тўғри келадиган архитектурасини ҳам такомиллаштиради.

Хозирги пайтда бизнесни АКТ асосида такомиллаштиришнинг мақсад кўплаб йўналишлари мавжуд. Масалан, уларга қуйидагилар киради:

- BPR (Business process reengineering) – бизнес-жараёнларни қайта оптимал ташкил қилиш;
- TQM (Total quality management) – сифатни умумий бошқариш;
- ISO (International Organization for Standardization) - халқаро сифатга мос келган сифатни бошқариш тизими.


Бозорда компания бошқарувига таъкидлаб ўтилган ёндашувларни илгари сураётган консалтинг хизматини кўрсатувчи компаниилар кўп. Шу билан бирга, бундай компанияларда улар компанияга қандай тизими жорий қилишга уринаётгани, бу тизим асосида қандай усувларни кўллаш мумкинлиги ҳақида аниқ билиб олиш амалда мумкин эмас. Нима бўлганда ҳам, барча таъкидлаб ўтилган усувлар бизнес-жараёнлар моделини яратиш билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам кўплаб компаниялар мижозларни ўзига қаратиш мақсадида бизнес-жараёнларнинг чиройли лекин, кейинчалик мутлақо керак-

1-жадвал.
“ҮЗВИНОАНОАТ-ХОЛДИНГ” компанияси Мирзо Улубектуман худудий ихтиисослаштирилган “ШАРОБ-САВДО” корронаси спиртли маҳсулотларни сотиши
хакида маълумот (2011 йил март ойи бўйича)

№	Харидор коди	Харидорлар номи (ис-тэъмолчилар)	Маҳсулотлар номи																				
			Шампан виноси «Олтин Фаввора» сув. 0,75	Шампан виноси «Олтин Фаввора» 0,75	Шампан виноси «Нимширин» сув. 0,75	Шампан виноси «Нимширин» 0,75	Вино «Каберне» 0,75	Вино «Кагор» 0,5	Вино «Крепкое-53» 0,5	Коньяк «Ташкент» 0,5	Коньяк «Легенда Востока» 0,5	Ароқ «Ташкент Max-sus» 1,0	Ароқ «Ташкент Сильвер» 1,0	Ароқ «Хлебная» 1,0	Ароқ «Ташкент» 0,25	Ароқ «Монопольная» 0,5	Ароқ «Золотой Талисман» 0,5	Ароқ «Тошкент оқшоми» 0,5	Ароқ «Ташкент Max-sus» 0,5	Ароқ «Пшеничная» 0,5	Ароқ «Элит» 0,5	Ароқ «Хлебная» 0,5	Ароқ «Ташкент» 0,5
1	4051	ОҲАНГАРОН БАРАКА СЕРВИС ХК	160	135	85		106	95	78	150	250	115	290		120	45							
2	4958	ХТ НАРГИЗА-ШОХИНУР		165			120	201	93	105	125		170		75	80							
3	4927	ХТ АЗИЗА БУРЖИ	85	95	85	50	100	115	203	89		125	250	150		50							
4	4177	ХТ НИЛУФАР-БЕГИМ ЗОКИР КИЗИ		108	50			135	44		125			205		155							
5	4871	ХТ BISSEFAL TRADE	166		75	175	135	189	135		180	200	275			115							
6	4527	АРЗАНДА МЧЖ	140	74	50		165	98	85	150		145		145		85	125						
7	4099	ХТ ОХАНГАРОН ПО-КИЗА САВДО	125		90		125	180	90	87		75	125	150	260		105						
8	4613	ХТ LUFRAN PLYUS	125	150	26	75		146	88				190			125							
9	4548	МАДДАНИЯТ ХТФ		141	58		250	65	105	75	155	125	125	165		40	122	25					
10	4844	ХТ ЗАФАР САВДО ОМАД	25		166	50			95	65	180			165			150						
11	4945	АЛИМЖАН БИЗНЕС МЧЖ	150		125	50	175	101	115			125	245	180		100	78						
12	4762	БАХТМАШ-СУРХОН МЧЖ					150		97	70	115	145	135	275		50							
13	4140	ЖАСУР-ОЙБЕК-ЖАХОНГИР МЧЖ	145	220	75	85	150	188	90	95			150	181		50							
14	4048	МАШХУРБЕК-СЕВИНЧ МЧЖ			185			155	195	140		150	188		270		125	50					
15	4448	«ФАЙЗ ОМАД» ХФ			97	42	50		201	85			150	215			50						
Жами:	285				0	1848	527	443	425	1320	2123	1453	688	1255	1253	1385	3136	0	135	1065	645	75	0

2-расм.

Бизнес-жараёнларни узлуксиз такомиллаштириб бориш тизими



сиз ранги суратлари билан мисол келтириб, жараёнларни тавсифлаш учун дастурий таъминотларини олиб чиқади. Дастурий таъминот қандай функционал имкониятларга эга бўлмасин, лойиҳанинг муваффақиятини олдинга қўйилган мақсадни ҳал этишининг самарали технологияси мавжудлиги белгилайди.

“Ўзвиносаноат-холдинг” компанияга 2-расмда келтирилган технологияни жорий қилиш учун: биринчидан бизнес-жараёнларни тавсифлаш ҳамда уларнинг компания жараёнининг жами тармоқларида ўзаро биргаликдаги ҳаракати тартибини аниқлаб олиш, иккинчидан компания бизнес-жараёнининг барча тармоқларидағи ҳар бир сегменти учун раҳбарият масъулиятини аниқ тақсимлаш, учинчидан уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ва уларни ўлчаш методикасини аниқлаш, тўртинчидан, тизим ишини шакллантирувчи регламентларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш керак бўлади.

Компанияларни бошқариш амалиётида дастурий таъминот ишлаб чиқарувчилари томонидан таклиф этилаётган турлича тизимлардан кенг фойдаланиммоқда. Уларнинг ичига энг кўп учраётгани қуйидагилар:

- корхонанинг ресурсларини режалаштириш тизими ERP (Enterprise Resource Planning). Бу синф молия-хўжалик фаолиятини бошқариш учун умумий фойдаланиш интерфейс ва ягона илова, ўзи билан унификацияшган маълумотлар базасини ифода этувчи интеграллашган бошқарув тизими. Уларда маълумотларни ишлаш ҳамда замонавий менежмент соҳаларида қўлга киритган ютуқлар бирлашган. Қоидага кўра, ишлаб чиқариш компанияларида автоматлаштириш айнан, ERP тизимини ривожлантиришдан бошланади. ERP тизими ўзида ташкилот фаолиятининг режалаштириш ва башорат қилиш, савдони, захирани, ишлаб чиқаришни, харид, молия ва бошқа бошқариш соҳаларини қамраб олган интеграллашган ахборот тизимини ифода этади. ERP тизимининг асосий функцияси 3-расмда кўрсатилган;

- CRM (Customer Relationship Management) мижозлар билан ўзаро алоқаларни бошқариш тизими. Компаниянинг ташқи муносабатларини бошқаради. CRM тизими савдо самарадорлигини ошириш имконларини берадиган бошқарув методларини, замонавий маркетингнинг кўплаб ютуқларини ўзида ифода этади. CRM

3-расм.
ERP тизими функциялари.



тизими – бу, компаниянинг мижозлар (бу-юртмачилар), ҳамкорлар, дилерлар ва ташқи дунё билан муносабатларини бошқариш дастури саналади. Бу восита маркетинг, савдо ва мижозларга хизмат кўрсатиш бўлимлари ишини автоматлаштириш учун бўлиб, шунингдек, корпоратив порталлар, мижозлар учун онлайн маълумотлар базаси, маълумотларнинг корпоратив базаси ва бошқалар кўринишидаги қўшимча хизматларни ҳам ўзида мужассам этади. CRM тизимининг энг муҳим жиҳати – у сотишнинг бошланишини бошқариш методлари ва мижозларни ушлаб туриш учун қўлланиладиган методларни ўзида ифода этади.

CRM тизими ўзида қўйидаги функциялар тўпламини мужассам этади:

- 1) алоқаларни бошқариш – мижоз ҳақида ахборотларни ва улар билан алоқалар тарихини қўллаб-қувватлаш;
- 2) фаолиятни бошқариш – савдо вакиллари ҳамда ҳудудий бўлимларда мижозлар билан ишлаётган ходимлар учун ишга таалукли кундалик ва тақвим юритиш;
- 3) башоратлаш – савдо-сотиқнинг истиқболли режалари, ҳамда тадқиқот ташкилоти ёки маркетинг тадқиқоти башоратлари ҳақида ахборотларни беради;
- 4) имкониятларни бошқариш – потенциал мижозларни жалб қилиш ва истеъмол талабини оширишнинг имкониятларини тавсифлаш бўйича маслаҳатларни ўзида жамла-

ган билимлар базасига асосланган дастурий илова (4-расм);

- ахборотларни сақлаш тизими ва уни таҳлилий ишлаш методлари BI (Business Intelligence). BI тизими амалий ҳамкорлардан олинган маълумотлар билан биргаликда ҳам ички, ҳам ташқи ахборот ресурсларидан фойдаланиш имконини таъминлайди. Тизимлар компанияга бизнеснинг барча жиҳатлари ҳақида узлуксиз ахборот етказиб бера туриб, алоҳида тизим маълумотларини бирлаштиради. BI тизими маълумотларни ахборотларга, ахборотларни билимга, билимларни эса ҳаракатга айлантиради.


BI тизими ахборотларни ва компания фоилиятини стратегик таҳлили учун бошқа корпоратив ахборот тизимидан олинаётган маълумотларни ишлаш учун интеграллашган воситалар тўпламидир. BI тизими ёрдамида маълумотлар ресурси мақсадли ахборотларга айланиши мумкин ва бошқарув қарорларини қабул қилинишига асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бундай тизимнинг асосий функциялари қўйидагилардир:

- 1) бизнес-стратегиясини визуал тасаввур қилиш ва уни аниқ ҳаракат режасига айлантириш;
- 2) стратегияга бозорнинг ўзгаришига қараб тезкор ўзгаририш киритиш;
- 3) муваффақиятнинг муҳим омилларини самарадорликни баҳолашнинг ташқи ва ички дастурларидан фойдаланиб кузатиш;

4-расм.
CRM тизими функциялари.



5-расм. VI тизимининг асосий функциялари



4) компаниянинг таҳлил қилиш (5-расм).

Бизнес-жараёнларни автоматлаштириш тизими ахборотларни ишлеш жараёнларни интеграциялаш воситасида иловани бир бутун ҳолатда бирлаштиради. Масалан, шартномани кўриб чиқиш жараёнлари CRM тизимида бошланиши мумкин ва электрон ҳужжат алмашуви тизимида давом этади, ахборотларни бухгалтерия тизимида қайд этади, ташқи контрагентлар учун маълумотлар корпоратив порталида нашр қилинади, ҳужжатлар электрон почтада жўнатилади ва ERP тизимида якунланади. Шу билан бирга, бу нарса мақсадга мувофиқи, фойдаланувчи ушбу бизнес-жараёнлар давомида иловалар билан ўзаро бирга ҳаракат қилишнинг қўшимча воситасидан фойдаланишга мажбур бўлмаслиги керак, акс ҳолда, компанияда янги жараёнларни жорий этиш ва аввалинин модернизациялашда жиддий муаммолар келиб чиқиши мумкин.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам, биринчи навбатда қилиниши лозим бўлган тадбир компанияни текшириш бўйича ишлар, шахсий компьютер тармоғини яратиш ва фойдаланишга жорий этишга ишлаб чиқариш ва муҳандислик-техник персоналларни ўқитиш, ташкилий структураларни шакллантириш ҳисобланади.

6-расмда ишлаб чиқаришни ташкилий бошқариш тизими келтирилган. Автоматлаштирилган ахборот тизимда йиғилган, ишланаётган ва айланаётган ахборот таъминоти таркибиға ташқи ёки ички характердаги ҳар қандай ахборотлар киради: турли характердаги барча бухгалтерия ҳужжатлари, бошқарув иерархияси бўйича юқори тоифадаги органлар ҳужжатлари, турли кўринишдаги ёнма-ён ишловчиларнинг ахборотлари, бозор ҳолати бўйича ҳужжатлар, бошқа ахборотлар. Компаниянинг фаолияти

амалдаги ҳуқуқий ва меъёрий таъминот доирасида амалга оширилади.

Тажриба шуни кўрсатаяпти, истеъмолчи ушбу учта синф тизимларини ҳар доим ҳам ажратиб ололмайди, шу боис:

- тизим ости самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари таҳлили ва йиғишни комплекс тизимининг бир қисмига айланиши керак;
- бизнес-жараёнларни таҳлил қилиш воситаси сифатида ходимдар ишининг самарадорлигини ошириш керак;
- тизимга фойдаланувчилар иштирокисиз статистик кўрсаткичлар асосида бизнес-жараёнларнинг самарадорлигини баҳолашни таъминловчи восита сифатида қаралиши керак.


Замонавий АКТдан фойдаланиш жараёнларида операциялар ва функцияларнинг интеграцияси юз беради, бизнес-жараёнларни оптималлаштиради, компаниянинг рақобатбардошлиги ортади, қарорларнинг тезкорлиги юксалади, персонал меҳнатини сақлаб туриш ўзгаради, қарорларни қабул қилишда хатолар сони ва рисклар камаяди.

Билимларга асосланган иқтисодиёт шароитида корпоратив бошқарув тизимини ахборотлаштириш компания менежменти самарадорлигини оширишнинг ҳал қилувчи омилларига айланади. ERP, CRM, BI тизимлари – шунчаки дастурий маҳсулот эмас, балки мавжуд бизнес-жараёнларни оптималлаштириш имконини берадиган ечимдир.

Замонавий АКТ нафақат компаниядаги бизнес-жараёнларни автоматлаштиради, балки самарали бизнес-жараёнларни қуришда ахборот тизимларни етказиб келаётган компанияларнинг уни турли ташкилотларга жорий қилиш жараёнларида йиғилган илфор тажрибаларини ҳам беради.

6-расм.

Компания бошқарувида ахборот-таҳлил тизимининг ишлаш схемаси.

**Адабиётлар рўйхати:**

1. Ахборот тизимлари ва технологиялари: Олий ўкув юртлари талабалари учун дарслик//Муаллифлар жамоаси: С.С.Фуломов, Р.Х.Алимов, Х.С. Лутфуллаев, Б.А. Бегалов ва бошқ. /; С.С.Фуломовнинг умумий таҳрири остида. - . Т.: "Шарқ", 2000. - 592 б.
2. Гулин. В.Н. Информационный менеджмент: Учебный комплекс. Минск: Соврем. Шк., 2009. – 320 с.
3. Каменова М., Громов А., Ферапонтов М., Шматалюк А. Моделирование бизнеса. Методология ARIS. Практическое руководство. М.: Весть-Метатехнология, 2001.
4. Оптимизация бизнес-процессов. Документирование, анализ, управление, оптимизация / Джеймс Харрингтон, К.С.Эсселинг, Харм Ван Нимвеген. – СПб: Азбука, 2002.
5. Рузметова Х.Н. Совершенствование бизнес-процессов компаний на основе информационно-коммуникационных технологий / Х.Н.Рузметова; под ред. С.С. Гулямова; МВ и ССО РУз, Ташк. гос. экон. ун-т. – Т.: Фан, 2011. – 160 с.